

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

25-сон
(941)
2020 йил
29 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

275. «Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, заҳарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 июндаги ЎРҚ-623-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

276. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони

277. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПҚ-4756-сон қарори [Қўчирма]

278. «Ўзбекистон Республикасида «Фольксваген» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июндаги ПҚ–4757-сон қарори
279. «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 июндаги ПҚ–4759-сон қарори

Учинчи бўлим

280. «Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 398-сон қарори
281. «Ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 401-сон қарори
282. «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори

Бешинчи бўлим

283. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 22 июндаги 144-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-3*)
284. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 25 майдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 20 июндан 26 июнгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

275 Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, заҳарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 19 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

Бўғувчи, заҳарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 июнь,
ЎРҚ-623-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 июнда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

276 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси- нинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чоратадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 июнда эълон қилинган.

халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларини амалга оширишга қаратилган миллий ҳаракат режалари («Йўл хариталари»)нинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини бажаришга тўсқинлик қилаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

2. Халқаро ташкилотлар, жумладан БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси (кейинги ўринларда — Миллий стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс этирилган батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумот киритади;

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди;

б) «Йўл харитаси»да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатил-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган вазибалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Марказга тақдим этади. Бунда, вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари «Йўл харитаси»да белгиланган вазибаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир;

в) Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади.

4. Қўйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини тузиш;

вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва «Йўл харитаси»нинг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш тавсия этилсин.

5. Марказнинг:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун ҳар йили Халқаро инсон ҳуқуқлари кунда топшириладиган «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш;

ҳар икки йилда юқори савияда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ва фахрий меҳмонлар иштирокида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

«Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини 2020 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Марказ:

бир ой муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва уни ўтказиш регламентини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда давлат олий таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасалар (университет, институт, марказ, факультет, курслар), шунингдек, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари» ва «Бола ҳуқуқлари» бўйича ўқув курслари (дарсликлари)ни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

8. Белгилансинки, Марказ ходимларининг лавозим маошига фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда молиявий маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Халқаро пресс-клуб ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида тушунтирилишини;

Миллий стратегиянинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сон қарори билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
ПФ-6012-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 22 июндаги
ПФ–6012-сон Фармони
1-ИЛОВА

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Жамиятда «Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз» деган улуғвор мақсад шаклланди ва «Жамият — ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда.

I. Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиёт

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари алоҳида ўрин эгалламоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, «Хабеас корпус» институтини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, низоларни судгача ҳал қилишда ва тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиқлик ва шаффофликни

таъминлаш учун «Электрон одил судлов» тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи «Мадад» нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Маъмурий, жиноий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштириб борилмоқда ҳамда инсонпарварлик тамойилига янада мослаштирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслиқ қўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши муҳим инсонпарвар воқелик бўлди. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 барабар камайди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги бутунжаҳон дастурида фаол иштирок этмоқда. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари аҳоли орасида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва риоя қилиш тамойилларини оммалаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлаш жараёнига кенг жалб этилган.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, фикр, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашда жамият ва давлат бошқарувидаги кенг қамровли туб ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари мустаҳкамланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидаги масъулияти сезиларли даражада кучайтирилди. «Электрон парламент» ва «Электрон ҳукумат» тизими ривожлантирилмоқда, давлат хизматларининг турларини кенгайтириш, уларнинг имкониятлари, сифати ва тезкорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Парламент, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, «Халқ қонунларнинг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади» ҳамда «Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади» тамойилларини амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳолати тўғрисидаги маърузалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракат режалари («йўл хариталари»)ни тасдиқлаш амалиётининг йўлга қўйилиши қонун ижодкорлигида янги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилишнинг

миллий механизмларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил лавозимлари жорий қилинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажагимиз», «Беш ташаббус» каби 20 дан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари ва концепциялари амалга оширилмоқда. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни рўёбга чиқариш, инсон тараққиёти бўйича юқори индексга эга бўлган (интеллектуал салоҳияти, саводхонлиги, инсоннинг ўртача умр кўриш давомийлиги) давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Таълим ва тарбия соҳасида кенг қўламли туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2025 йилга бориб, 3 — 7 ёшдаги болаларнинг 74,5 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олишни назарда тутувчи мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилмоқда. 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланди. Бугунги кунда давлат, нодавлат ва хорижий олий ўқув юртларининг сони ортиб бормоқда.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги нуфузи оширилмоқда ҳамда халқаро даражада «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» тамойили асосида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижасида аҳолининг сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш имконияти ошди. Энг асосийси, мамлакатдаги ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2020 йилга келиб 74,6 ёшга етди, оналар ўлими бир ярим баравар ҳамда болалар ўлими эса, тўрт бараварга камайди.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битимига қўшилди, мамлакатда Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси амалга оширилмоқда.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича концепция қабул қилиниб, унинг мазмунида оилавий можароларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ўрин олди.

Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун-

лар шулар жумласидан. Хотин-қизлар учун 197 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 200 дан ортиқ инновацион мактаблар ташкил этилди. Эраклар ва аёллар учун никоҳ тузишнинг минимал ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди.

Халқаро сайлов стандартларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилиниб, унинг асосида 2019 йил 22 декабрда «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида бўлиб ўтган сайловларда илк бор 5 та сиёсий партия иштирок этди. Сайловларнинг очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлат ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи, жумладан, биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси иштирок этди.

Мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ана шу муаммоси ҳал этилиб, уларни Ўзбекистон фуқаролари сифатида тан олишнинг қонуний чоралари кўрилди. Прописка қилиш тизимидан хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган инвестицион лойиҳалар янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат ҳокимияти органларининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш соҳасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатда 16 та конфессиянинг 2 277 та диний ташкилотлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясини амалга оширишга, диний таълим ва маърифат тизимини ривожлантиришга, диний ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилмоқда ва халқаро норма ижодкорлигининг фаол иштирокчиси ва янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда.

Иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар ва индекслардаги позицияни яхшилаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш мақсадида хорижий рейтинг агентликлари билан тизимли равишда яқиндан

ҳамкорлик алоқалари амалга оширилмоқда. Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачилар институти билан ҳамкорлик изчил равишда ривожланиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Дин ва эътиқод эркинлиги ҳамда Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари доирасида халқаро мажбуриятларини, шунингдек, ушбу ташкилот томонидан тақдим этилган пахта йиғим-терим кампанияси мониторинги якунлари бўйича тавсияларни бажариши, шу жумладан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича дастурнинг амалга оширилиши халқаро ҳамкорлар томонидан ижобий баҳоланди.

БМТ ташкил этилганидан буён Осиё минтақасида биринчи марта ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу Форумда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг асосий ҳужжатларидан бири сифатида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг «Самарқанд руҳи»ни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлади.

2019 йилда Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссиясининг VI йиллик семинари ўтказилди ва унинг натижалари бўйича Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

II. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги камчиликлар

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги ҳолатни ўрганиш натижалари, шунингдек, БМТнинг шартномавий органлари, Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТнинг махсус маърузачилари, Универсал даврий ҳисобот ва бошқа халқаро механизмлар доирасида берилган тавсияларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилади.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини таъминлашнинг механизмларини тартибга солишда ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва ҳуқуқни

қўллаш амалиётига имплементация қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бар-
тараф этиш зарур.

Иккинчидан, давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти ин-
ститутларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини ўзаро ҳамкорлик-
да амалга оширишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек,
инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари лозим
даражада бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъ-
минлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқару-
ви органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, бу соҳада зарур дасту-
рий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг аниқ тартибини
белгилаш лозим.

Тўртинчидан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томони-
дан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш
амалиётини янада кенгайтириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақ-
ланаётган шахслар ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизи-
мини такомиллаштириш ҳамда шартномавий қўмиталарнинг хабарларини
кўриб чиқиш юзасидан қарорларни бажаришнинг аниқ механизмларини
ишлаб чиқиш лозим.

Бешинчидан, инсоннинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мада-
ний ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини кучайтириш,
жумладан, мазкур ҳуқуқларни поймол қилганлик учун жавобгарликни ку-
чайтириш талаб этилади.

Олтинчидан, жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат
ҳиссининг шаклланиши, халқаро ва минтақавий механизмлар тавсиялари-
нинг тўлиқ бажарилиши учун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
ҳамда бошқа давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари бўйича
малакасини ошириш ишларини тизимли йўлга қўйиш зарур.

Шу муносабат билан, қуйидаги мақсад ва вазифалар ҳамда асосий йўна-
лишларни назарда тутувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респуб-
ликасининг Миллий стратегиясини (кейинги ўринларда — Миллий страте-
гия) амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

III. Миллий стратегиянинг мақсад ва вазифалари

Миллий стратегиянинг мақсади — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва
эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёса-
тини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб
олиш ҳисобланади.

Миллий стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўна-
лишларини, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистон-
нинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг
устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга
олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш;

2) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш;

3) Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш;

4) инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;

5) шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш;

6) жиноятчиликнинг, айниқса одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

7) аҳолининг имконияти чекланган, кам таъминланган гуруҳлар ҳуқуқларини БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг «ҳеч кимни орқада қолдирмаслик» тамойилига мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоясига мухтож бўлган шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш;

8) дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенгликни таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, кекса одамларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

9) оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш;

10) инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш;

11) таълимнинг сифати ва барча даражадаги қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, ўқитиш тизимининг инклюзивлиги ва ундан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш;

12) инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий фаолиятининг сифати ҳамда манзиллигини яхшилаш;

13) давлатлараро муносабатларни, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида инновацион тамойилларни жорий этиш;

14) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси сайланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

IV. Миллий стратегияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари

1. Шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар:

шахсий ва сиёсий ҳуқуқларига оид халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш;

халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш;

судларнинг мустақиллигини ва холислигини таъминлаш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда «Хабеас корпус» институтини янада такомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш;

суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш, адвокатурани мустақил, ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантириш, малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат касбининг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

жиноят процессида жабрланувчи ва гувоҳларнинг, шу жумладан, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқ шакллари жорий этиш, прокуратура фаолияти ошқоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш;

фуқароларни тенгсизликнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳамда аҳоли-

нинг заиф қатлам вакиллари камситишлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳамда шахсга доир маълумотларни ҳимоялаш ҳуқуқини таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили ва маданиятини ривожлантириш учун барча шароитларни таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, вояга етмаган болаларга нисбатан алоҳида муносабатни назарда тутадиган одил судлов институтларини жорий этиш, боланинг манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самаралироқ жорий этиш;

одам савдосига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, болалар ва аёллар фоҳишабозлиги ва порнографиясининг сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашга комплекс ёндашувни шакллантириш, шунингдек, одам савдосидан жабрланганларни халқаро стандартларга мувофиқ идентификация қилиш ва реабилитация қилиш механизмини янада такомиллаштириш;

аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сайлов маданиятини ошириш, демократик, адолатли ва эркин сайловларга оид халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий шикоятлари институтини жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг роли ва ўрнини ошириш;

давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг родини кучайтириш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда, шунингдек, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда парламентнинг ваколатларини янада кенгайтириш, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, ҳаволаки қонун нормаларидан воз кечиб, тўғридан-тўғри тартибга солувчи қонун нормаларини қабул қилиш амалиётини кенгайтириш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг родини янада кучайтириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқаролик жамияти институтларини фаоллаштириш ва қўллаб-қувватлаш.

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар:

иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни таъминлашнинг самарали омили сифатида Камбағалликни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

хусусий мулк дахлсизлиги кафолатларини таъминлашнинг самарали

механизмларини такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса, тадбиркорларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида тадбиркорлик тузилмалари иштирокини янада кенгайтиришга доир қонунчиликни такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги, ҳаммабоплиги ва инклюзивлиги бўйича ривожланган давлатлар даражасига эришиш, соғлиқни сақлаш хизматлари қамровини кенгайтириш, шунингдек, беморлар ҳуқуқларининг халқаро стандартларга мувофиқ ҳимоя қилинишини, хавфсиз, самарали, юқори сифатли ва арзон дори-дармонлар ва вакциналардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

репродуктив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш, оилани режалаштириш бўйича хизматлардан фойдаланишда аёллар ва эркекларнинг имкониятларини кенгайтириш, репродуктив соғлиқ ва жинсий тарбия масалалари бўйича ўқув курсларини жорий қилиш;

ишчи-ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, шу жумладан, давлат хизматчилари, тиббиёт ходимларини, педагогларни меҳнат шартномаларида назарда тутилмаган ишлардан, мажбурий меҳнатнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни такомиллаштириш;

меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича БМТ шартномавий органлари ва Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

давлат органларида, нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлаш сиёсатини такомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркеклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, кексалар, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни яратиш, ижтимоий суғуртага оид қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

«Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш, уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, шунингдек, моддий ва ижтимоий имтиёзлар бериш орқали фарзандликка олувчи ота-оналарни рағбатлантиришни назарда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш;

«Ўзбекистон ёшлари — 2025» концепциясини ишлаб чиқиш, унда ёшларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш, шунингдек, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирларини белгилаш;

фуқароларнинг пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш механизминини такомиллаштириш, шу жумладан, ушбу тизимнинг электрон шаклга ўтказилишини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш (2025 йилгача 3 —

7 ёшдаги болаларнинг 74,5 фоизини мактабгача таълим билан, шунингдек, 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини қамраб олишни таъминлаш), болаларни интеллектуал ривожлантириш, парвариш қилиш ва соғломлаштиришни таъминловчи мактабгача таълим-тарбия тизимини ривожлантириш;

бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларни рағбатлантириш, бошланғич ва умумий ўрта таълимни янги сифат даражасига кўтариш, ўрта махсус, олий, касб-ҳунар ва қўшимча таълим олиш имкониятини барча учун таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, олий ўқув юртларида давлат грантлари бўйича квоталарни ошириш;

тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятини барча учун таъминлаш, сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш бўйича тарғиботни кучайтириш, сув ҳўжалиги ва санитария ҳолатини яхшилашда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш;

урбанизация кўрсаткичларининг изчил ўсишини таъминлаш, республика шаҳарларини тарихий қадриятлари ва такрорланмаслигини сақлаб қолган ҳолда, дунёнинг замонавий мегаполислари модели бўйича ривожлантириш, «ақлли ва хавфсиз шаҳарлар» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, маданий ва табиий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш;

аҳолининг қулай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградация жараёнларини ва биологик хилма-хилликнинг йўқотилишини тўхтатиш.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш ҳамда мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар:

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмунини тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари вакилларининг хабардорлигини ошириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, ушбу тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш;

давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни янада такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олиш;

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш;

васийлик ва ҳомийлик тизимини ислоҳ қилиш йўли билан болаларнинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, бола

ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар қоидаларини имплементация қилиш ва мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишни тизимли равишда мониторинг қилиш.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан, бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича устувор йўналишлар:

инсон ҳуқуқлари ва гендер масалалари бўйича узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунга ҳурматни шакллантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича профессионал журналистларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, журналистик текширувларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни, шу жумладан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида, шунингдек, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фундаментал ва инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти, илмий тадқиқотлари ва ишланмаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ушбу соҳадаги халқаро тадқиқотларга интеграциялашувини таъминлаш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот тарқатиш бўйича оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш, журналистлар ва блогерларнинг ахборот олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш.

5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги органлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги, жумладан, болалар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши масалаларини кўриб чиқиш;

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш бўйича Ўзбекистоннинг ташаббусларини, 2021 — 2023 йилларга бўлган муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзо этиб сайланиши учун Ўзбекистон

номзодини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ органларига аъзо бўлиши учун миллий экспертларнинг номзодларини илгари суриш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқотларни мунтазам равишда ўтказиш;

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва инсон ҳуқуқлари масаласи юзасидан халқаро ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтириш.

V. Миллий стратегияни амалга ошириш, бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда молиялаштириш механизми

Миллий стратегияни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари иштирок этадилар. Шунингдек, Миллий стратегияни амалга оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинади.

Миллий стратегиянинг сифатли ва самарали бажарилишини назорат қилишнинг қуйидаги тизими йўлга қўйилади:

1) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумотни киритиб боради;

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди;

2) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига тақдим этади;

3) Миллий стратегиянинг ижро ҳолати юзасидан ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади;

4) Олий Мажлис палаталари вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиб, танқидий муҳокама қилиб боради;

5) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ҳудудлар кесимида ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиб, танқидий муҳокама қилиб боради.

Миллий стратегиянинг тўлиқ ва тизимли амалга оширилиши семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар доирасида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамият тизимли равишда хабардор қилиб борилади.

Миллий стратегиянинг барча чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг маблағлари, грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

VI. Миллий стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Миллий стратегия доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишнинг самарадорлиги ошади ҳамда миллий қонунчилик такомиллаштирилади;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан қонун ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилади, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларини бажариш самарадорлиги оширилади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чора-тадбирлар тизими яратилади, халқаро мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши устидан парламент, ҳудудий вакиллик органлари ва жамоатчиликнинг самарали назорати таъминланади;

аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жумладан, бу борада ахборот тарқатиш, таълим беришнинг фаолияти янада такомиллаштирилади, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти янада юксалади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни янги босқичга қўтариш орқали мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 22 июндаги
ПФ–6012-сон Фармони
3-ИЛОВА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари
бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари
хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш бўйича
Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро
ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг хабарномалари ҳамда қарорларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аризачи — БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитасига якка тартибдаги хабарномани тақдим қилган шахс ёки унинг вакили;

БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари — инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган БМТнинг органлари;

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг қарори — БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмаси ҳужжати бўлиб, хабарнома мазмуни бўйича қарор ёки мулоҳаза кўринишида қабул қилинади;

хабарнома (якка тартибдаги шикоят/ариза) — Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остида бўлган шахснинг БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар билан кафолатланган ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан бузилганлиги тўғрисидаги ёзма мурожаати;

хабарноманинг мақбуллиги — хабарноманинг БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича расмий шартлар талабларига мослиги.

**2-боб. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав
органлари ва шартномавий қўмиталари билан ўзаро
ҳамкорлик қилиш тартиби**

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига (кейинги ўрин-

ларда — Ташқи ишлар вазирлиги) келиб тушган хабарнома ўн иш куни ичида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) юборилади.

Умумий муддат хабарноманинг Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг расмий нуқтаи назари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига юборилишига қадар икки ойдан ошмаслиги лозим.

4. Марказ хабарноманинг мазмунидан келиб чиқиб, беш иш куни ичида тегишли давлат органларига хабарномани кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳни шакллантириш мақсадида сўровнома юборади.

Давлат органлари хабарномаларни кўриб чиқишда Марказ билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун масъул шахсларни белгилайди ва уч иш куни ичида ишчи гуруҳга киритиш учун номзодларни тақдим этади.

Марказ Адлия вазирлиги билан биргаликда беш иш куни ичида хабарноманинг мақбуллик мезонларига мувофиқ келиши бўйича ўрганиш учун ишчи гуруҳни шакллантиради ва Ўзбекистон Республикасининг асосланган жавобини тақдим этиш муддатини белгилайди.

Ишчи гуруҳ фаолиятининг умумий мувофиқлаштириш ишлари Марказ томонидан амалга оширилади.

5. Марказ тегишли давлат органларидан хабарноманинг мақбуллик мезонлари бўйича қўшимча зарурий ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

6. Тегишли давлат органлари Марказ томонидан белгиланган муддатларда (ўн беш иш кунигача) БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тартиб-таомилларида (процедураларида) ўрнатилган мезонларга кўра тегишли хабарноманинг мақбул ёки мақбул эмаслиги бўйича асосланган жавобларини юборади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари тартиб-таомилларида (процедураларида) ўрнатилган мезонлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) аризачи ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд миллий воситаларидан, жумладан, суд ҳимоясидан фойдаланганлиги;

б) аризачи томонидан далил қилиб кўрсатилаётган инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолати тегишли халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун кучга киргандан кейин юз берган бўлиши;

в) хабарнома аноним бўлмаслиги, шунингдек, тегишли халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остидаги шахслардан юборилган бўлиши;

г) шахс тегишли халқаро шартнома бузилиши оқибатида жабрланганлигининг етарли даражада асосланганлиги (тасдиқловчи далилларнинг келтирилганлиги, тегишли ҳужжатларнинг илова қилинганлиги);

д) айтилган бир иш бўйича мурожаат такроран амалга оширилмаган бўлиши (агар аввал БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий қўмитаси айтилган мурожаат юзасидан инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолати мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор чиқарган бўлса, шикоят мақбул эмас деб топилади);

е) хабарнома ишни ҳал қилишнинг бошқа халқаро тартиб-таомилига мувофиқ кўриб чиқилмаслиги.

7. Ишчи гуруҳ давлат органларидан келиб тушган маълумотларни белгиланган муддатларда кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг асосланган жавобини тайёрлайди.

8. Хабарноманинг мақбуллиги тўғрисидаги жавоб Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Хабарнома мақбул эмаслиги сабабли рад этилган тақдирда, унинг асослари тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кўрсатилади.

9. Агар БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ёки шартномавий қўмиталари хабарноманинг мақбул эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилса, ишчи гуруҳ фаолияти тугатилади.

10. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталаридан хабарномаларнинг мақбуллиги масалалари бўйича қўшимча ҳужжатлар ва ахборот тақдим қилиш тўғрисида сўровнома келиб тушган тақдирда, ишчи гуруҳ сўровнома Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган вақтдан бошлаб бир ой ичида жавоб тақдим этади.

3-боб. Мақбул деб топилган хабарномаларнинг кўриб чиқишида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби

11. Мақбул деб топилган хабарномада баён этилган вазиятлар ва асосларга давлат ахборотини тақдим этишнинг умумий муддати олти ойдан ошмаслиги керак, тегишли процессуал қонунчилик билан бошқа муддатлар белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Марказ беш иш куни ичида кўриб чиқиш учун мақбул деб топилган хабарномани таҳлил қилади ва унинг мазмунидан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари учун саволларнинг асосий рўйхатини белгилайди ва қўйилган масалалар юзасидан ахборот тақдим қилиш учун сўровномалар юборади.

13. Тегишли давлат органлари ўн беш иш куни ичида қўйилган масалалар юзасидан асосланган далилларни ва тайёрланган ахборотни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга Марказга тақдим этади.

14. Марказ зарурат туғилганда (жавоблар етарли бўлмаса, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса), аниқлик киритиш мақсадида қўшимча сўровномалар юборади.

15. Марказ Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой ичида давлат органларидан олинган ахборотни умумлаштиради, Ўзбекистон Республикасининг жавоби лойиҳасини тайёрлайди.

16. Ўзбекистон Республикасининг жавоби Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

**4-боб. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав
органлари ва шартномавий қўмиталарининг қарорларини
эълон қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш**

17. Марказ Ташқи ишлар вазирлиги орқали БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитаси томонидан тегишли хабарнома юзасидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ матнини олади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

18. Марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорлари ҳисобини реестр шаклида юритади.

**5-боб. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав
органлари ва шартномавий қўмиталарининг қарорларини
кўриб чиқиш**

19. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари томонидан тегишли хабарнома юзасидан қабул қилинган қарор келиб тушган вақтидан бошлаб ўн кун ичида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Марказга юборилади.

20. Марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари томонидан тегишли хабарнома юзасидан қабул қилинган қарорни суд тартибида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборади.

21. Марказ тегишли давлат органларидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорларини кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

22. Қабул қилинган ёки режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот Марказ томонидан, ўз навбатида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарига тақдим этилиши учун Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

23. Қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида давлат ахборотини тақдим этишнинг умумий муддати БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тегишли хабарнома юзасидан қарори Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган кундан бошлаб беш ойни ташкил этади.

6-боб. Зарарнинг мос ва мутаносиб қопланиши

24. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органи ёки шартномавий қўмитаси қарорида белгиланган зарарни қоплаш учун тўлов (компенсация) миқдори суд тартибида белгиланади.

**7-боб. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав
органлари ва шартномавий қўмиталари қарорларининг
ижро этилишини мониторинг қилиш**

25. Келиб тушган хабарномалар ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг Марказ томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 22 июндаги
ПФ-6012-сон Фармониға
4-ИЛОВА

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази тўғрисидаги низомға киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Марказ ходимларига мартаба даражалари учун устама тўлаш Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказ ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади. Бунда, қонун ҳужжатларига асосан ходимнинг олдинги иш жойи бўйича мазкур Фармонда белгиланган миқдордан юқорироқ устамалар ва қўшимча тўловлар белгиланган тақдирда, ушбу тўловларни тўлаш юқорироқ миқдор бўйича амалга оширилади.

Марказда ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражаларини, малака тоифаларини, дипломатик даражаларни ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади».

2. 23-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказда амалда бўлган меҳнат шароитлари ҳисобга олинган ҳамда лавозим маоши ва бошқа тўловлар миқдорлари инобатга олинган ҳолда аввалги иш жойи бўйича ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чоралари».

3. Қуйидаги мазмундаги 23¹ — 23³-бандлар билан тўлдирилсин:

«23¹. Марказ ходимларининг, шу жумладан, ёрдамчи ходимларнинг лавозим маошига рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда, давлат органларидаги кўп йиллик меҳнати учун 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан ортиқ — 0,5 коэффициентларда ҳар ойлик устамалар тўланади. Бунда, қонун ҳужжатларига асосан ходимнинг олдинги иш жойи бўйича мазкур Фармонда белгиланган миқдордан юқорироқ устама

белгиланган тақдирда, устама тўлаш юқорироқ миқдор бўйича амалга оширилади.

23². Марказ ходимларининг лавозим маошига фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга шахслар учун — лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўланади.

23³. Мазкур Низомнинг 23¹, 23² ва 24-бандларида назарда тутилган қоидалар «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали тахририяти ходимларига нисбатан ҳам тўлиқ қўлланилади».

4. 24-банддаги «1,7 барабар» сўзлари «2 барабар» сўзлари билан алмаштирилсин.

Изоҳ: мазкур илованинг 4-банди 2020 йил 1 июлдан бошлаб қўлдан киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

277 Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадалларни тўлаш механизмини соддалаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларини бажаришга масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 июнда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Мазкур қарорнинг 1-илоvasида кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда халқаро шартномалар доирасидаги, шу жумладан, бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари этиб белгилансин (кейинги ўринларда — ваколатли органлар).

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ваколатли органлар Ўзбекистон Республикасининг келгусида тегишли халқаро ташкилотда иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги ҳамда аъзоликдан олинадиган иқтисодий ва бошқа фойдалар бўйича доимий таҳлил олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли органлар Вазирлар Маҳкамасига келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича асосли таклифлар билан хулоса киритади;

2021 йилдан бошлаб халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ва улар бўйича қарздорликлар бевосита ваколатли органлар томонидан мазкур қарор билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва ўз маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва ваколатли органлар билан биргаликда ҳар йил якуни бўйича халқаро шартномалар доирасида ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги, ташкилотда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги ва аъзоликдан олинадиган иқтисодий ва бошқа фойда, амалда тўланган аъзолик бадаллари тўғрисида маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ҳар бир халқаро шартнома ва халқаро ташкилотда Ўзбекистон Республикаси иштироки доирасида 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ваколатли органлар билан биргаликда икки ой муддатда халқаро шартномалар ва ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлови бўйича мажбуриятларни хатловдан ўтказсин ва натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритсин;

халқаро шартномалар ва ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ҳисобини юритиш жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда, мазкур мажбуриятлар бажарилишини доимий кузатиб боровчи тизимни жорий қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Камиллов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
ПҚ-4756-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 22 июндаги
ПҚ-4756-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва
халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан
келиб чиқадиган бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни (кейинги ўринларда — бадаллар) тўлаш тартибини белгилайди.

2. Давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда халқаро шартномаларга қўшилиш бўйича қарорлар қабул қилиш «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

3. Бадаллар мазкур қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни тўловчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатида (кейинги ўринларда — Рўйхат) кўрсатилган халқаро ташкилотларга ушбу низом талабларига мувофиқ тўланади.

4. Бадаллар ва улар бўйича қарздорликлар бевосита Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тўланади.

5. Бадаллар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — тўловчилар) бюджетдан ташқари жамғармалари ва ўз маблағлари ҳисобидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича тўланади.

**2-боб. Бадалларни тўлаш учун зарур бўлган бюджет
маблағларини режалаштириш**

6. Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчилар йиллик асосда тўлов

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳужжатларини (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг кейинги йил учун режалаштирилган бадал суммаси тўғрисидаги расмий хабарномасини олиш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда бунинг асосида кейинги йил учун режалаштирилган бадаллар суммаси тўғрисидаги маълумотни 1 июнгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Тўлов ҳужжатлари (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг расмий хабарномаси мавжуд бўлмаган тақдирда, олдинги йилларда ҳақиқатда тўланган бадаллар суммасидан келиб чиққан ҳолда, кейинги йил учун бадалларнинг прогноз миқдорлари тўғрисида маълумот тақдим этилади.

Келгуси йил бадалларини тўлаш мақсадида тўлов суммасини миллий валютада ҳисоблаш учун тўловчилар кейинги йил учун хорижий валютанинг ўртача йиллик прогноз курсини, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатларни (маблағларни ўтказиш учун воситачилик ҳақи ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, хорижий валютадаги маблағларни миллий валютага қайта ҳисоблайди.

Бунда кейинги йил учун ўртача йиллик прогноз курси тўловчилар томонидан хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан курсининг ўзгариш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб аниқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўловчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида бадаллар миқдорининг келгуси йилда ошиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, бадалларни тўлаш учун зарур бўлган маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг прогноз параметрларида назарда тутати.

8. Агар ўтган йилда режалаштирилган бадал миқдори билан жорий йилда ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган миқдор ўртасида фарқ (дефицит) юзага келса, етишмаган қисм Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида халқаро ташкилотларга бадалларни тўлаш учун назарда тутилган иқтисод қилинган бюджет маблағлари, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Жорий йилда тўланиши лозим бўлган бадал миқдорининг етишмаган қисмининг кейинги йилга ўтказилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот фаолияти доирасидаги ҳуқуқларини чекламаса, жиддий сиёсий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқармаса, мамлакат нуфузига путур етказмаса ҳамда қарздорлик, шу жумладан, бадалларни тўламаганлик ёки тўлиқ тўламаганлик учун жарима санкциялари ҳисобланиши ҳисобидан шаклланишини келтириб чиқармаса йўл қўйилади.

3-боб. Бадалларни тўлаш тартиби

9. Бадаллар тўловчилар томонидан тўлов ҳужжатларига (инвойс) ёки жорий йил учун бадал миқдорини тасдиқловчи халқаро ташкилотнинг (ёки тегишли халқаро шартномани маъмурлаштириш учун масъул бўлган ташкилотнинг (органнинг)) хабарномаларига мувофиқ тўланади.

10. Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчилар 10 мартгача бўлган муддатда бадалларни инобатга олган ҳолда харажатлар сметасини тасдиқ-

лаб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

11. Бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун назарда тутилган пул маблағларининг конвертацияси тўловчининг ўрнатилган тартибда тақдим этилган буюртманомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги томонидан 5 иш куни мобайнида амалга оширилади.

12. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилар бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун мўлжалланган пул маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш.

13. Агар бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмагани Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот фаолияти доирасидаги ҳуқуқлари чекланишига, жиддий сиёсий-иқтисодий оқибатларга олиб келган, мамлакат нуфузига путур етказган бўлса, шунингдек, қарздорлик, шу жумладан, бадалларни тўламаганлик ёки тўлиқ тўламаганлик учун жарима санкциялари ҳисобланиши ҳисобидан шаклланишига олиб келган тақдирда, шахсий жавобгарлик тегишлилиги бўйича:

Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчиларга бюджет маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда ажратилишини таъминлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Рўйхатда кўрсатилган тўловчиларга, Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилардан ташқари, ажратилган маблағларни конвертация қилиб, ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги;

Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилар топшириқномаси бўйича тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш бўйича — тижорат банклари;

бадалларни тўлаш ва улар бўйича қарздорлик юзага келмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини кафолатли таъминлаш бўйича — тўловчилар раҳбарлари зиммасига юкланади.

14. Бадалларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдиган тўловчилар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига халқаро ташкилот номи, тўлов миқдори ва санасини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

4-боб. Ҳисобдорлик ва бадалларни тўлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни кўриб чиқиш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ташқи ишлар вазирлигига халқаро ташкилотларга бадаллар тўлашнинг бажарилиши тўғрисида тўлиқ маълумот тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий йилнинг 1 декабрь ҳолати бўйича бадалларни тўламаган тўловчиларни аниқлаш юзасидан маълумотни шакллантиради ҳамда 10 декабргача бўлган муддатда жо-

рий йил учун бадалларни тўламаган тўловчиларга бадал тўловини зудлик билан тўлаш зарурлиги тўғрисида хабарнома юборади.

17. Тўловчилар мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган хабарномани олгандан кейин 10 кун муддатда бадалларни тўлаши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигига бадал тўлангани ҳақида ахборот бериши шарт.

Агар бирон-бир сабабга кўра тегишли халқаро шартномани ёки халқаро ташкилот фаолиятини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикасининг келгусида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, тўловчи мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган хабарномани олгандан кейин 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича асосли таклифлар билан хулоса киритади ҳамда бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ киритилган таклиф бўйича қарор қабул қилади ёки масалани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва (ёки) Президентига ахборот беради.

5-боб. Ўзбекистон Республикасининг бадалларни тўлаш бўйича халқаро ташкилотлар олдидаги қарздорлигининг сўндирилиши

19. Ўзбекистон Республикасининг бадалларни тўлаш бўйича қарздорлиги (кейинги ўринларда — қарздорлик) бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори асосида сўндирилади, мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

20. Қарздорликни бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда шахсий маблағлар ҳисобидан сўндириш тўловчи томонидан мустақил амалга оширилади.

21. Агар ўтган йилги бадал бўйича қарздорлик ёки дастлабки ҳисобланган бадал миқдори билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган бадал миқдори ўртасидаги фарқ натижасида қарздорлик юзага келганда, ушбу қарздорликни сўндириш учун бюджет маблағлари тўловчига навбатдаги молия йилида бадаллар тўлови учун ажратиладиган бюджет маблағларига қўшимча ажратилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

22. Иштирок этиш учун бадаллар тўлаш назарда тутилган халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси қўшилганда ёки халқаро шартнома тузилганда, тегишли масъул орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Рўйхатга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**278 Ўзбекистон Республикасида «Фольксваген» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жаҳоннинг етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчилари билан интеграциялашуви асосида янада барқарор ривожлантириш, енгил ва енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ташкил этиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган автомобиль маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг савдо ҳажми ўсишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4145-сон ҳамда 2019 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4397-сон қарорларига мувофиқ:

1. «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Фольксваген Групп Рус» МЧЖ (кейинги ўринларда — «Фольксваген» компанияси) ўртасида 2020 йил 2 март куни «Жиззах автомобиль заводи» МЧЖ негизида «Ўзбекистонда енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасида (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) «Фольксваген» компаниясининг босқичма-босқич иштирок этишини назарда тутувчи ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзавтосаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттириш бўйича «Фольксваген» компанияси томонидан таклиф этилаётган ва қуйидагиларни назарда тутувчи концепцияни маъқуллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) биринчи босқичда 2020-2021 йилларда:

бозорни ўрганиш ҳамда маркетинг таҳлилини ўтказиш мақсадида «Фольксваген» ва «Шкода» маркаларидаги тайёр автомобилларни етказиб беришни ташкил қилиш;

«Фольксваген» компаниясининг юқори малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда «Жиззах автомобиль заводи» МЧЖ ходимларини йирик узелли автомобилларни йиғиш бўйича ўқитишни ташкил этиш;

«Фольксваген Кедди» моделини йирик узелли йиғишни ташкил этиш мақсадида бутловчи қисмларни етказиб бериш;

мамлакатнинг барча ҳудудларида дилерлик тармоғи ва сервис хизматларини кўрсатиш станцияларини ташкил этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 июнда эълон қилинган.

б) иккинчи босқичда 2022 йилдан бошлаб енгил тижорат автомобилларининг замонавий моделларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштириш.

3. Қуйидагилар давлат харидларининг махсус ахборот порталида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шакллантириладиган Ягона етказиб берувчилар реестрига тегишлича киритилган ҳолда ягона етказиб берувчилар сифатида белгилансин:

иштирокчиси (акциядори) «Ўзавтосаноат» АЖ бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар — улар томонидан автомобиль саноати учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича;

автомобиль маҳсулотларининг асл ишлаб чиқарувчиси (ОЕМ) ёки лицензиари томонидан белгиланган ёки маъқулланган ёхуд тавсия этилган етказиб берувчи ташкилотлар — ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган корхоналар учун товарларни (ишларни ва хизматларни) етказиб бериш бўйича;

автомобиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ҳадли, лицензиявий, инвестициявий ёки бошқа битимлар, саноат намуналарини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш, автомобиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишда техник кўмак бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ автомобиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчи ташкилотлар — ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган корхоналар учун товарларни (ишларни ва хизматларни) етказиб бериш бўйича.

4. Белгилансинки:

инвесторни ноқулай ўзгаришлардан кафолатлаш амал қилишини бошлаш мақсадида мазкур қарорнинг кучга кириши инвестор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишининг тасдиғи сифатида белгиланади;

қурилиш, хом ашё, материаллар, муҳандислик, технологик ва бошқа ускуналарни етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар ва бошқа харажатларни молиялаштириш инвестиция лойиҳасининг дастлабки тасдиқланган техник-иктисодий асослари доирасида, лекин шу асосда ишлаб чиқилган ва олдин тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

5. «Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг биринчи босқичи якунларидан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва «Фольксваген» компанияси ўртасида «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан «Фольксваген» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи, хорижий инвестор мажбуриятларини ҳамда ташкил этилаётган корхонага Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бериладиган давлатнинг қўллаб-қувватлаш чораларини аниқ акс эттирувчи инвестиция битимини тузиш бўйича тегишли таклифларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги 2020 йил июль ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳрида «Евро-5» стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли дизель ёқилғиси ва автобензинга эга камида битта автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси бўлишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Ў. Умурзоқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 июнь,
ПҚ-4757-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

279 Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъатини, шу жумладан, тарихий анъаналаримизни ўзида мужассам этган, ота-боболаримиздан қадимий мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ипак ва жундан қўлда гилам тўқиш соҳасини ривожлантириш ва ноёб санъат асари ҳисобланадиган ушбу гиламларни бозор талабларига уйғунлаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оила-ларни мазкур соҳага кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандли-гини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2021 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағ-лари ҳисобидан чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилот-ларга сотилган ҳар бир килограмм «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жуни учун икки минг сўмдан субсидиялар ажратилади. Бунда, субсидия бериш «Ўзбекчорванасл» агентлиги томонидан амалга оширилади;

«меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларни яйлов ва пичанзор-ларда ҳайдаб боқиш, жунни қайта ишлаш, бўяш ва қўлда гилам тўқиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускорларига, ис-тисно тариқасида, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 июн-да эълон қилинган.

жамғармаси томонидан бир вақтнинг ўзида компенсация билан биргаликда кафиллик ҳам берилади;

қўлда тўкилган гиламларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми татбиқ этилади.

2. Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари икки ой муддатда «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкилар етиштириш хўжаликларига Жиззах вилоятидан 2 минг гектар, Қашқадарё вилоятидан 3 минг гектар, Наманган вилоятидан 1 минг гектар, Самарқанд вилоятидан 2 минг гектар, Сурхондарё вилоятидан 3 минг гектар ва Тошкент вилоятидан 2 минг гектар яйлов ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар тоғолди яйловлар учун қурғоқчиликка чидамли озуқа экинларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандида назарда тутилган молиялаштириш тартиби, истисно тариқасида, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

2020 йил 15 июлдан бошлаб «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шарти билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади.

5. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, АТ «Халқ банки», «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ билан биргаликда бир ой муддатда қўлда гилам тўқиш бўйича лойиҳа ташаббускорлари рўйхатини шакллантирсин ва уларга мазкур қарорнинг 4-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган молиялаштириш тартибини қўллаган ҳолда кредит ажратиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда:

2020 йил 15 июлга қадар гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

ҳар йили 1 августга қадар кейинги йил учун гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни шакллантирсин ва Молия вазирлигига киритсин.

7. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта октябрь ойида Тошкент шаҳрида шарқона қўлда тўқилган гиламлар (Hand-made Oriental Carpets) халқаро фестивалини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмасига фестивални ташкиллаштиришда, шу жумладан, кенг реклама кампаниясини ташкил этиш ва уни хорижий оммавий ахборот воситаларида намойиш қилиш ҳамда қўлда тўқилган гиламлар санъати ривожланган Эрон, Туркия, Грузия, Ҳиндистон ва Покистон каби давлатлардан ҳунарманд ва тадбиркорларни жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда бир ой муддатда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг бўш турган ер майдонини аниқлаб, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва тегишли инвесторларга қўлда тўқилган гиламлар савдо-кўргазма уйини ташкил қилиш учун ер майдони ажратилишини таъминласин.

9. Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида туристлар ташриф буюрадиган маданий мерос объектлари ҳудудларида қўлда тўқилган гиламлар кўргазма-савдо расталарини (дўконларини) ташкил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда қўлда тўқилган гиламларнинг экспорт салоҳиятини ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун «гилам тарихи» («The history of carpet») QR-кодлар бўйича ҳар бир гиламнинг тўқиши жараёни, чевар хотин-қизлар ва уларнинг ишлаш шароити ҳамда шу каби маълумотларни ўзида мужассам этган мобиль иловаларни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таклифига асосан жун, калаваланган жун ҳамда қўлда тўқилган гиламларни олиб киришда импорт божлари мавжуд хорижий давлатлар билан мазкур импорт божларини бекор қилиш масаласини ушбу давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматлараро комиссия мажлисларининг кун тартибига киритсин;

Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам тўқиш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан экспортга сотилган гиламларни «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг экспорт кўрсаткичларида акс эттирсин.

12. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бир ой муддатда ўтказилган таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасига белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ва божхона божига тортилмайдиган, ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига ўзгартириш киритиш бўйича таклиф киритсин.

13. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг республикада қўлда тўқилган гиламчиликни ривожлантириш бўйича Уюшма раисининг ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда республикада гўштдор-сержун йўналишидаги оқ, оч жигар рангли дағал, майин ва ярим майин жун берувчи, шу жумладан, «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларни кўпайтириш ҳамда жунни қайта ишлаш, бўяш ва қўлда гилам тўқиш бўйича лойиҳа ташаббускорларини аниқлаган ҳолда, 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарорга асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунарамандлар ва ташкилотларга сотилган «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жунини учун субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2020 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жун ва тери маҳсулотлари сифатини халқаро стандарт талаблари бўйича таҳлил қилиш тизимини жорий этсин;

2020 йил 1 октябрга қадар хориждан гўштдор-сержун, шу жумладан, «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг музлатилган уруғларини олиб келиш, маҳаллий шароитда насли қўй ва эчкиларнинг уруғларини олиш ва музлатилган уруғлар банкини яратиш ҳамда урғочи қўй ва эчкиларни сунъий уруғлантириш самарадорлигини мустақил консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда ўргансин ва 2020 йил 15 октябрга қадар Молия вазирлигига хулоса киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 15-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган урғочи қўй ва эчкиларни сунъий уруғлантириш мақсадга мувофиқ деб топилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу йўналишда ишларни ташкил этиш учун тегишли маблағлар ажратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда ушбу таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижроси қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков — қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш, тўқилган гиламларни олиб киришда импорт божхона божлари мавжуд хорижий давлатлар билан мазкур божларни бекор қилиш бўйича музокаралар олиб бориш чораларини кўрсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 июнь,
ПҚ-4759-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 26 июндаги
ПҚ-4759-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856-сон қарорида:

а) 2-банд қўйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) қўлда тўқилган гиламчиликни ривожлантириш бўйича:

қўлда тўқилган гиламларнинг ички ва ташқи бозорларини тизимли таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларини қўлда гилам тўқиш кооперацияларига жалб қилиш, уларни гиламчилик соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш ва инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш;

банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни гиламчилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, гилам тўқиш кўникмасини шакллантириш, жойларда кичик ишлаб чиқариш цехлари ҳамда аҳоли хонадонларида гилам тўқишни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашда кўмаклашиш;

худудларда ипак, ипак чиқиндилари, жун ва пахта аралашмали гиламлар тўқишни ташкил этиш учун ҳунармандлар ва ташкилотларни керакли миқдорда хом ашё ҳамда гилам тўқиш дастгоҳлари ва мосламалари билан таъминлаш чораларини кўриш;

кўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида ипакни қайта ишлаш ташкилотлари, чорвачилик хўжаликлари ва гиламчилик ҳунармандлари ўртасида кооперацияни йўлга қўйишда кўмаклашиш;

гиламчиликка оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек, маҳаллий гиламчилик ташкилотлари ҳамда ҳунармандларининг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этишида амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро сифат стандартларини жорий қилиш ва қўлда тўқилган гиламчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ишларини ташкил этиш бўйича яқиндан кўмаклашиш.»;

б) 4-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимларининг чекланган сони 53 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.»;

в) қуйидаги мазмундаги 2-илова* билан тўлдирилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3910-сон қарорининг 7-банди ва 2-илоси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4707-сон қарори 1-илосининг 39-позицияси «Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди» устунидаги «5702 42 900 0» рақамлари «5702 42 900 0, 5701101000, 5701 90 100 0, 5702 41 900 0, 5703 10 000 0» рақамлари билан алмаштирилсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

280 Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори ижросини таъминлаш, фермер хўжаликларининг пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш асосида пахтачилик соҳасида манфаатдорликни ва қўшилган қиймат ҳажмини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ:

фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашиши асосида пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари (кейинги ўринларда — кооперациялар) ташкил этилганлиги ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашиши асосида пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига белгиланган имтиёзлар кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади;

кооперацияларга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкил этилмаган ҳудудлардаги пахта тозалаш корхоналари ихтиёрий равишда аъзо бўлади;

кооперациялар аъзолари томонидан етиштирилган пахта хом ашёсини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 июнда эълон қилинган.

пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш хизмати (тегирмон усулида) кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг кооперацияларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишнинг қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилмаётган бўш ер майдонларини белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захирасига ўтказилишини таъминлайди;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида кооперациялар томонидан илғор хорижий тажрибалар ҳамда ресурс тежовчи инновацион технологияларнинг жорий этилишини ташкил қилади;

кооперациялар билан пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириб боради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

кооперациялар фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, агротехник тадбирларни ўз муддатида ва сифатли амалга оширишга кўмаклашади;

кооперациялар ва пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирларини белгилайди;

в) кооперациялар:

пахта хом ашёсини қабул қилиб олиш, саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилиш бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади;

кооперация аъзоларига илмий асосланган агрономик, иқтисодий-молиявий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги консультатив хизматлар кўрсатади, заруратга кўра, соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни шартнома асосида жалб қилади;

пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари талаблари асосида уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурсларини етказиб беради.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда кооперациялар билан пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида тузиладиган пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш шартномасининг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда пахта тозалаш корхоналари ва пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида тузилган пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани харид қилиш бўйича шартномаларнинг кооперациялар билан қайта тузилишини таъминласин.

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзпахтасаноат» АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда пахта тозалаш корхоналаридаги давлат улушларини номинал ва баланс қийматларида Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармаларига берилишини;

икки ой муддатда кооперация таркибига киритиладиган корхоналарнинг устав капиталига киритилмаган фаолият йўналишига алоқадор бўлмаган ер майдонлари, бино-иншоотлари ва мол-мулкларини белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
398-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 22 июндаги 398-сон қарорига
ИЛОВА

**Фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашиши
асосида пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш
кооперациялари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашиши асосида пахта хом ашёси етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кооперацияларни (кейинги ўринларда — кооперация) ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш тартибини белгилайди.

2. Кооперация унинг муассислари ва аъзолари сазъ-ҳаракатларини, уларнинг моддий ва молиявий ресурсларини бирлаштириш асосида ташкил эти-

либ, пахта хом ашёсини етиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш билан боғлиқ тармоқларни ягона тизимга бирлаштиради.

2-боб. Кооперациянинг асосий вазифалари ва фаолият принциплари

3. Қуйидагилар кооперациянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

пахта хом ашёсини етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни амалга ошириш учун соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, илмий асосланган агрономик тавсияларни бериб бориш;

пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари талаблари асосида уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа моддий-техника ресурсларини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналарни етказиб бериш, механизация, транспорт ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш;

кооперация аъзолари билан тузилган шартномалар асосида пахта хом ашёсини ташиш, тайёрлаш, сақлаш, тегирмон усулида қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш;

кооперация аъзоларига ҳисобот юритиш, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

кооперация томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржа савдоларида ички истеъмолчиларга сотиш.

4. Кооперация фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

кооперацияга аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш мумкинлиги;

кооперация аъзолари меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўлаш;

якуний даромадни (фойдани) кооперация аъзолари ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мувофиқ тақсимлаш;

қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги (кооперациянинг ҳар бир аъзоси — бир овозга эга бўлиши)ни таъминлаш;

кооперация уставида назарда тутилган тартибда унинг фаолияти кооперация аъзолари томонидан назорат қилинади;

ер участкаларидан қатъӣ белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлиги оширилишини таъминлаш.

3-боб. Пахта тозалаш корхоналари негизида кооперацияларни ташкил этиш тартиби

5. Пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи ҳамда экспорт қилувчи корхоналар кооперацияларнинг муассислари бўлиши мумкин.

6. Кооперациялар унинг муассислари томонидан ихтиёрий тартибда пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ташкил этилади.

7. Кооперацияларни таъсис этишда унинг муассислари ўзларининг мустақиллигини сақлаб қолади.

8. Кооперациялар таркибида пахта хом ашёсини етиштириш, сақлаш, ташиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, уларнинг маркетингини олиб бориш, илмий таъминот ва бошқалар бўйича бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

9. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари кооперациянинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишига ҳақли эмас.

4-боб. Кооперация фаолиятини йўлга қўйиш

10. Кооперациянинг бошқарув органлари:

олий бошқарув органи — Кооперация аъзоларининг умумий йиғилиши; ижроия органи — Кооперация бошқаруви.

Кооперациянинг бошқарув органлари фаолияти ва ваколатлари унинг Уставида белгиланади.

11. Кооперациянинг устави:

Устав кооперация фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда қуйидагилар белгиланади:

кооперациянинг номи ва жойлашган манзили;

фаолият соҳаси ва мақсади;

кооперацияга кириш ва ундан чиқиш тартиби;

кооперация муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;

кооперация аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

кооперациянинг пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;

кооперация аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосланган шакллари;

кооперациянинг даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан, мулкӣ пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш тартиби;

кооперацияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Кооперациянинг уставига кооперация фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

12. Кооперациянинг устави аъзоларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш қарорига асосан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

13. Кооперация аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кооперациянинг фаолияти ҳақида маълумотларни олиш;

Кооперациянинг бошқаруви органларига таклифлар киритиш ва уларнинг муҳокамасида иштирок этиш;

Кооперациянинг аниқ дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш;

Кооперациянинг ижро органлари хизматларидан фойдаланиш;

Кооперациянинг ахборот базаси маълумотларига кириш имконига эга бўлиш, илмий-услубий маълумотлардан фойдаланиш;

уставга мувофиқ Кооперациянинг бошқаруви органларига номзодларни таклиф қилиш ва сайлаш;

Кооперациянинг фаолиятига тегишли барча масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш;

унинг хизматларидан беғараз фойдаланиш;

умумий йиғилишларда овоз бериш пайтида тенг овозлар сонига эга бўлиш;

Кооперациянинг фаолияти бўйича ўз таклифи ва мулоҳазаларини киритиш, ушбу масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Кооперациянинг бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорларининг бажарилиш ҳолати ва ўз таклифлари ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;

Кооперациянинг умумий ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;

Кооперациянинг бошқарув органларига унинг фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича мурожаат қилиш;

Кооперацияга маслаҳат, услубий ва бошқа ёрдам юзасидан мурожаат қилиш;

Кооперация аъзолигидан ўз хоҳишига асосан белгиланган тартибда чиқиш.

14. Кооперация аъзоларининг мажбуриятлари:

Кооперациянинг уставига амал қилиш;

белгиланган муддатларда аъзолик бадалларини тўлаб бориш;

Кооперациянинг умумий йиғилиши қарорларини бажариш.

15. Кооперацияга аъзоликнинг тугатилиши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кооперация аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқилганда;

кооперациянинг фаолиятида меҳнати билан иштирок этиши тугатилганда;

кооперация аъзолигидан унинг уставига белгиланган ҳолларда ва тартибда чиқарилганда;

бошқарув (раис)нинг кооперацияга қабул қилиш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда тасдиқланмаганда;

кооперация хўжалик юритишнинг бошқа шаклларида ўзгартирилиб қайта ташкил этилганда ёки кооперация тугатилганда.

Кооперацияга аъзоликни тугатиш тартиби унинг уставига белгиланади.

Кооперация аъзолигидан чиқиш ёки чиқариш пайтида илгари тўланган аъзолик ва бошқа (моддий) бадаллар қайтарилмайди.

Кооперация аъзолигидан чиқариш устидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**5-боб. Кооперациянинг молиявий-хўжалик фаолияти,
мол-мулки ва фойдани тақсимлаш**

16. Кооперация томонидан кўрилган зарарлар унинг мол-мулки ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мол-мулк ҳисобига қопланади.

17. Кооперациянинг фойда ва зарарларини тақсимлаш тартиблари молиявий йил якунлангандан кейин икки ой давомида кооперация аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

18. Кооперация қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

19. Кооперациянинг мустақил балансида ўз ифодасини топадиган асосий фондлар, оборот маблағлари, пай бадаллари, шунингдек, бошқа бойликлар кооператив мулки ҳисобланади.

20. Кооперациянинг мол-мулки ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, банкларнинг кредитлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, уларни сотишдан тушган ва уставида назарда тутилган бошқа фаолиятлардан келган даромадлар ҳамда қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шаклланади.

21. Кооперациянинг мол-мулкини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар (ташкилотлар), шунингдек, мазкур кооперацияга аъзо бўлмаган, аммо унда меҳнат шартномасига мувофиқ ишлаётган жисмоний шахслар шартнома асосларида пул ва моддий бадаллар тўлаш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

**6-боб. Кооперациянинг пахта хом ашёсини етиштирувчилар
билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари**

22. Пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани харид қилиш шартномаси фуқаролик қонун ҳужжатлари талаблари асосида тузилади, бунда маҳсулот нархини ҳақиқий харажатдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш, маҳсулот етиштирувчиларни уруғ билан таъминлаш, агротехника ва агрокимё хизматлари, янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш назарда тутилади.

23. Пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани харид қилиш шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

шартноманинг предмети, ғўзанинг селекция нави номи, репродукцияси, уруғлик пахтанинг миқдори (тонна) ва уни топширишнинг сўнгги муддатлари;

молиялаштириш тартиби;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

шартноманинг бажарилиши, пахта хом ашёсини етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);

ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари;

шартноманинг мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

низолар, форс-мажор ҳолатларини ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизи́тлари, шартнома тузилган сана ва жой.

24. Пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари билан муносабатларда кооперация қўидагиларни таъминлаши лозим:

шартномада назарда тутилган экин тури уруғининг нави, авлоди, ҳажми бўйича келишилган муддатда етказиб бериш;

етказиб берилган пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани қабул қилиш, сифатини аниқлаш ҳамда шартномада белгиланган муддат ва тартибда маҳсулот учун тегишли ҳақни тўлаш ва бошқалар.

25. Кооперация билан муносабатларда пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари қўидагиларни таъминлаши лозим:

кооперациядан олинган уруғликдан мақсадли фойдаланиш ҳамда белгиланган ер майдонига кооперациядан қабул қилиб олинган ғўзанинг селекцион нави уруғлик чигитини тўлиқ экиш;

кооперация томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан уруғлик қиймати ва пахта хом ашёсини етиштириш учун ўзига етказиб берилган товар-моддий қийматликларга тўловларни пахта терими бошлангунга қадар амалга ошириш;

шартномада кўрсатилган маҳсулотни кооперация билан келишилган манзилга топшириш-қабул қилиш жадвалига асосан белгиланган муддатда етказиб бериш;

топширилаётган маҳсулотнинг сифати ва нави стандартлар, техник шартлар ва мазкур шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос келишини таъминлаш;

шартноманинг мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда кооперация томонидан кўрсатилган хизматлардан мавжуд бўлган қарздорликларни қоплаш;

7-боб. Ҳисоб ва ҳисобот

26. Кооперация қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия, статистика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни юритади.

27. Кооперациянинг молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботи давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда тақдим этилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

28. Кооперация тегишли фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ва лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари билан шуғулланиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли рухсатнома ва лицензия олиши шарт.

29. Кооперацияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**281 Ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида
ваколатли давлат органини хабардор қилиш тарти-
би тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ноширлик ва матбаа соҳаси-
ни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил
16 мартдаги ПҚ-4640-сон қарорига асосан, шунингдек, ноширлик ва мат-
баа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомил-
лаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғри-
сидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий ахбо-
рот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим
маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 19 декабрдаги
1017-сон қарори 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб
ташлансин, шунингдек, қарорга 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида-
ги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда —
Агентлик) ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор
қилишнинг автоматлаштирилган тизимини икки ой муддатда яратиш чора-
ларини кўрсин.

4. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзла-
ри қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу
қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
401-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 июн-
да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 22 июндаги 401-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом юридик шахслар томонидан ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органи) хабардор қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ноширлик фаолияти — ноширлик маҳсулотини нашрга тайёрлаш тадбирлари ва тарқатиш бўйича ташкилий, ижодий, ишлаб чиқариш ва бошқа тадбирлар мажмуи;

нашриёт — ўз таҳририятига эга бўлган ва адабиёт, санъат, мусика, илм-фан ва бошқа соҳаларда ноширлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс ёки унинг таркибий бўлинмаси;

нашр — муаллиф томонидан тақдим этилган материаллар асосида яратилган, моддий ташувчида матн ва (ёки) тасвир тарзида қайд этилган, таҳририй-ноширлик жиҳатидан ишлов берилган, ноширлик маҳсулотини тайёрлаш учун мўлжалланган ахборот.

3. Ушбу Низом давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, судлар, прокуратура органлари томонидан расмий материаллар, норматив ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа ҳужжатларни нашр этишга, республика аҳамиятига эга бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, ўқув ва илмий муассасалар томонидан ўз фаолияти учун зарур бўлган ва қўлёзма ҳуқуқлари билан оммавий равишда тарқатиш ёки кўпайтириш учун мўлжалланмаган материалларни нашр этишга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ноширлик фаолиятининг ихтисослашувлари қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий-сиёсий нашрлар — ижтимоий-сиёсий мавзулар, ташвиқот ва тарғибот хусусиятига эга бўлган асарни ўз ичига олган ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган нашр;

адабий-бадий нашрлар — бадий адабиётлар муаллиф томонидан ўйлаб топилган сюжет ва қаҳрамонларга эга бўлган барча асарларни назарда тутди. Бадий адабиёт романлар, қиссалар, ҳикоялар, новеллалар, пьесалар, адабий тўпламлар, антологиялар, альманахлар;

болалар ва ўсмирлар нашрлари — болалар ва ёшлар учун мўлжалланган бадий адабиётлар, ёш ва ўрта ёшли болалар ва ўсмирлар учун ёзилган асарлар, шунингдек, мумтоз адабиёт асарларини қайта ишлаш ва қисқартиришни ўз ичига олган нашрлардир;

маънавий-маърифий нашрлар — инсоннинг баркамол шахс сифатида вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган муайян ижтимоий муҳит, жамият ва тузумлар, давлатлар уларнинг тараққиёт босқичлари, бошқарув услублари, ижтимоий ахлоқ меъёрларини тадқиқ ва тарғиб этишга, асослашга йўналтирилган асарлар мажмуи;

илмий нашрлар — илмий тадқиқотлар ёки назарий умумлашмалар натижасида яратилган ва энг янги илмий ютуқлар, тадқиқотларнинг бориши ҳамда натижалари ҳақида мутахассисларга маълумот бериш мақсадида тарқатиладиган ёзма ва босма асарлар мажмуи (илмий фундаментал тадқиқотлар, илмий асарлар, монографиялар, диссертациялар, рефератлар);

илмий-оммабоп нашрлар — адабиёт, илм-фан ва илмий кашфиётларни кенг омма учун қулай бўлган тилда тасвирлайдиган китоблар мажмуи;

ўқув адабиётлари — муайян таълим тизими учун ўқитиш ёки кадрларни қайта тайёрлаш, муайян таълим муассасаси учун ёки ўз-ўзини тарбиялаш воситаси сифатида яратилган адабиётлар (ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий қўлланмалар, кўргазмали қўлланмалар, хрестоматиялар, мисол-масалалар тўпламлари, практикумлар, иш дафтарлари, ўқув дастурлари);

энциклопедик (маълумотнома) нашрлар — турли хил ахборотларни (илмий, амалий ва бошқалар) олишга мўлжалланган нашрлар. Илмий ёки амалий хусусиятга эга бўлган қисқача маълумотларни ўз ичига олган, тезкор қидириш учун қулай тартибда жойлаштирилган ва узлуксиз ўқиш учун мўлжалланмаган нашр;

расмий нашрлар — норматив ёки кўрсатма тариқасидаги материалларни ўз ичига олган ва давлат органлари, муассасалар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари номидан эълон қилинган нашрлар (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар);

диний нашрлар — маълум бир диннинг фалсафаси, тарихи ҳақидаги ва унинг ахлоқий таълимотларга мос келадиган ақидавий (каноник) адабиётлар, ақидавий матнлардаги сюжетлар ва тимсоллар асосида яратилган турли жанр ва йўналишлардаги нашрлар;

ахборот-реклама нашрлари — буклетлар, йўл кўрсаткичлари, реклама материалларидан иборат бўлиб, махсулот, хизмат ва ходисалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, уларга талабни яратиш учун эътиборни жалб қиладиган нашрлар;

ишлаб чиқаришга оид нашрлар — технология, муҳандислик ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, турли малака мутахассисларига мўлжалланган давлат амалиётининг бошқа йўналишлари бўйича маълумотларни ўз ичига олган, турли соҳа ишлаб чиқариш технологияларига оид нашрлар;

ишлаб чиқаришга оид меъёрий нашрлар — ишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларида қоидалар ва талабларни ўз ичига олган (йўриқномалар, стандартлар, техник регламентлар, уставлар, преysкурантлар) расмий нашрлар.

2-боб. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор қилиш

5. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи ўн кун ичида юридик шахснинг раҳбари (кейинги ўринларда — Хабардор қилувчи деб аталади) томонидан давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали хабардор қилинади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХПнинг давлат хизматларидан фойдаланишда, хабардор қилувчида электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) бўлиши шарт.

6. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ хабарнома тўлдирилади.

Ноширлик фаолиятини юритиш учун аввал тақдим этилган ва амал қилиш муддати тугамаган лицензия ҳужжати бўлган юридик шахслар ваколатли органини ахборот тизимлари орқали ўз фаолиятини давом эттираётганлиги тўғрисида хабардор қилишлари лозим.

7. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи мазкур Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ хабардор қилинади.

8. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органи ўртасида ЭРИни қўллаган ҳолда, махсус яратилган тизим орқали идоралараро хабардор қилинади.

9. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилишда хабардор қилувчи мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ва шартларга амал қилиши лозим.

10. Хабардор қилувчи хабарномани белгиланган тартибда расмийлаштиригандан сўнг ўзининг ЭРИси билан тасдиқлайди.

11. Хабардор қилувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилганда, давлат хизматлари маркази ходими томонидан мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ давлат реестрига киритилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома автоматик тарзда QR-код қўйилган ҳолда шакллантирилади.

Хабардор қилувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса, давлат реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотномани эркин олади.

12. Низомга 1-иловага мувофиқ хабарномага тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар киритилганда давлат хизматларини кўрсатиш автоматик тарзда рад этилишига асос бўлади.

Бундай ҳолда хабардор қилувчининг тегишли босқичда хабарномани тўғрилаб ёки тўлдириб қайта юбориш имконияти мавжуд бўлади.

13. Юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, шунингдек, ихтисослашуви ва жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, хабардор қилувчи йигирма иш куни мобайнида тегишли маълумотларни давлат хизматлари марказларига тақдим этади.

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП электрон тизими хабардор қилувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни шу куннинг ўзида давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун белгиланган тартибда ваколатли давлат органига автоматик тарзда юборади.

14. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли органни хабардор қилмаслик қонунчилиқда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

15. Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш учун йиғим ва давлат божи ундирилмайди.

3-боб. Хабарномаларни ҳисобга олиш

16. Ваколатли давлат органи хабарномаларни ҳисобга олади ва нашриётларнинг давлат реестрини юритади.

17. Давлат реестрида қўйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

нашриётнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли;

фаолиятини бошлаган санаси ва Реестр рақами;

нашриёт фаолиятининг ихтисослашуви;

почта манзили, телефони тўғрисидаги маълумотлар.

18. Хабарнома қабул қилинган куни ваколатли давлат органининг масъул мансабдор шахси тегишли маълумотларнинг давлат реестрига киритилишини таъминлайди.

19. Нашриётларнинг давлат реестри ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

20. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органи ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий мониторингни амалга оширади.

22. Хабардор қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 22 июндаги 401-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом юридик ва жисмоний шахслар томонидан матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар ҳудудий бошқармаларини (кейинги ўринларда — ваколатли давлат органи) хабардор қилиш тартибини белгилайди.

Жисмоний шахслар матбаа фаолиятини амалга ошириш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим.

2. Матбаа фаолияти босма маҳсулотларнинг қолипларини (босма шакллари) тайёрлаш, шу жумладан, муҳр ва штампларни яшаш, чоп этиш, муқовалаш ва чоп этишдан кейинги жараёнлардир. Мазкур жараёнларнинг барчаси ёки алоҳида жараёни ҳам матбаа фаолияти ҳисобланади.

3. Матбаа фаолиятининг ихтисослашуви:

босма маҳсулотларнинг қолипларини тайёрлаш — чоп этишгача бўлган жараён бўлиб, матн ва тасвирлар асосида офсет, трафарет ёки шойитрафарет, флексо, юқори босма, чуқур босма, термо босма ва чуқур босма усулларида чоп этиш учун босма қолипларни тайёрлаш;

офсет усулида чоп этиш — матбаа фаолиятида асосан кўп ададли (тираж) матбаа маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиладиган жараён бўлиб, матн ва тасвирларни фото қолиплардан қоғозга ўтказиб чоп этиш усули;

флексо усулида чоп этиш — фотополимер хом ашё ёки юмшоқ резинадан рельефли чоп этиш қолипи ва суюқ бўёқлар билан чоп этиш усули бўлиб, қоғоз, полиэтилен ва шу турдаги бошқа материалларга матн ва тасвирларни тушириш жараёни;

босма қолипларсиз чоп этиш — рақамли чоп этиш технологиялари ёрдамида матн ва тасвирларни қоғоз, полиэтилен ва бошқа материалларга чоп этиш усули;

трафарет ёки шойитрафарет усулида чоп этиш — фотомеханик усулда ёки қўлда тайёрланган трафаретдан турли материалларга ёки тайёр саноат маҳсулотларига матн ёки тасвирлар аксини тушириш;

брайль усулида чоп этиш — олти нуқта комбинациясига асосланган бўртма нуқта ҳамда бўртма рельеф асосида кўзи ожизлар учун матн ва тасвирларни чоп этиш усули;

тайёр маҳсулотлар ва материалларга босиш — тайёр саноат маҳ-

сулотлари ва материалларга матн ва тасвирни қиздириш ёки эластик босма элемент орқали босиш;

чоп этишдан кейинги жараёнлар ва муқовалаш — буклаш ва саралаш, тикиш, кесиш ва шакл бериб кесиш, елимлаш, ламинациялаш, лаклаш, муқовани тайёрлаш, муқовалаш ва бошқа жараёнлар.

4. Ушбу Низом нусха кўчириш, дизайнерлик ва фотостудия хизмати, матн териш, оригинал макет тайёрлаш фаолиятларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2-боб. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида хабардор қилиш

5. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи ўн кун ичида юридик шахснинг раҳбари ёки якка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда — хабардор қилувчи) томонидан давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали хабардор қилинади.

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХПнинг давлат хизматларидан фойдаланишда, хабардор қилувчида электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) бўлиши шарт.

6. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш учун мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ хабарнома тўлдирилади.

7. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи мазкур Низомнинг 2-илласидаги* ссмага мувофиқ хабардор қилинади.

8. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органи давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органи ўртасида мажбурий тартибда ЭРИни қўллаган ҳолда, махсус яратилган тизим орқали идоралараро хабардор қилинади.

9. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилишда хабардор қилувчи мазкур Низомда назарда тутилган талаблар ва шартларга амал қилиши лозим.

10. Хабарномага матбаа корхонасида ўрнатилган ёки ўрнатилишга мўлжалланган 3-иловага* мувофиқ шаклда матбаа ускуналарининг рўйхати илова қилинади.

11. Хабардор қилувчи хабарномани белгиланган тартибда расмийлаштиргандан сўнг ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

12. Хабардор қилувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилганда, давлат хизматлари маркази ходими томонидан мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида тасдиқнома автоматик тарзда QR-код қўйилган ҳолда шакллантирилади.

Хабардор қилувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса, тасдиқномани эркин олади.

13. Низомга 1-иловага мувофиқ хабарномада тўлиқ бўлмаган ёки но-

* 1 — 4-илласлар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғри маълумотлар киритилганда, давлат хизматларини кўрсатиш автоматик тарзда рад этилишига асос бўлади.

Бундай ҳолда хабардор қилувчининг тегишли босқичда хабарномани тўғрилаб ёки тўлдириб қайта юбориш имконияти мавжуд бўлади.

14. Матбаа фаолиятини амалга оширувчи юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, шунингдек, матбаа фаолиятининг турлари ва жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда хабардор этувчи йигирма иш кунда тегишли маълумотларни давлат хизматлари марказларига тақдим этади.

Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП электрон тизими хабардор қилувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни шу куннинг ўзида давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун белгиланган тартибда ваколатли давлат органига автоматик тарзда юборади.

15. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли органни хабардор қилмаслик қонунчиликда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

16. Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилиш учун давлат божи ундирилмайди.

3-боб. Ягона давлат реестрини юритиш тартиби

17. Ваколатли давлат органи матбаа фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестрини юритади.

18. Давлат реестрида қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

матбаа корхонасининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли;

фаолиятини бошлаган санаси ва Реестр рақами;

матбаа корхонасининг ихтисослашуви;

почта манзили, телефони тўғрисидаги маълумотлар.

19. Матбаа фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестри ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

20. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган махфий маълумотларнинг сир сақлашни таъминлайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

22. Хабардор қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

282 Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, хотин-қизларнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат гранти асосида қабул қилиш кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат гранти асосида қабул қилиш кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш;

олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома олишға қўйилаётган мезонларни белгилаш;

қўшимча давлат гранти асосида танловда иштирок этиш мумкин бўлган таълим йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш тартиби;

республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олувчи талабгорларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш ва ижтимоий мезонлар бўйича кўриб чиқиш.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 23 июнда эълон қилинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 108-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги мазмундаги 10⁹-банд қўшилсин:

«10⁹. Республика олий таълим муассасаларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан хотин-қизлар учун қўшимча давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари ажратилади.

Давлат гранти асосидаги қўшимча қабул кўрсаткичлари бўйича талабалikka Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг белгиланган шаклдаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлар тест синовлари натижаларига мувофиқ қабул қилинади».

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов ва олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июнь,
402-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 23 июндаги 402-сон қарорига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча дав-

лат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома қўйидаги мезонлардан бири асосида берилади:

кам таъминланган оиладан чиққан хотин-қизлар;

тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг қизлари;

шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;

ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизлар;

олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ маротаба паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин ҳудудларда яшовчи оилалардаги қиз фарзандлар (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шарти билан).

3. Хотин-қизларнинг республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома мазкур Низомга 1-иловадаги* шаклга мувофиқ берилади.

4. Тавсиянома бланкалари «Давлат белгиси» давлат унитар корхонасида тайёрланган қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади, ҳисоб серияси, рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

5. Тавсиянома мазкур Низомга 2-иловадаги* схема бўйича олий маълумот олиш истагида бўлган хотин-қизларга уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

6. Тавсиянома ажратилган қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида абитуриент сифатида рўйхатдан ўтишида танлаган биринчи таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқини беради, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этишга нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Республика олий таълим муассасаларига кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан хотин-қизлар учун қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — қўшимча қабул кўрсаткичлари) ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан республика ҳудудлари кесимида тасдиқланади.

8. Қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этувчилар тоифасига умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус,

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатга ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ушбу Низомга мувофиқ берилган тавсияномага эга хотин-қизлар (кейинги ўринларда — тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар) киради.

2-боб. Ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш

9. Тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбарларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосаридан иборат таркибда ҳар йили февраль ойида Хотин-қизларга тавсиянома бериш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) тузилади.

10. Ишчи гуруҳ аъзолари жамоатчилик асосида ишлайди.

11. Ишчи гуруҳ унинг ваколатларига тегишли масалаларни Ишчи гуруҳ раҳбари бошчилигида ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

12. Ишчи гуруҳ раҳбари:

ишчи гуруҳнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади ва фаолияти устидан доимий назоратини таъминлайди;

ишчи гуруҳнинг йиғилишларини чақиради ва уларда раҳбарлик қилади;

ишчи гуруҳ ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

ишчи гуруҳ баёнларини тасдиқлайди.

13. Ишчи гуруҳнинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади.

14. Ишчи гуруҳ ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади. Ишчи гуруҳ йиғилишлари ишчи гуруҳ аъзолари рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

3-боб. Тавсияномани бериш тартиби

15. Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ажратилган қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган хотин-қизларнинг ҳужжатларини мазкур Низомнинг 2-банди асосида ҳар йили 10 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларига тақдим этади.

Қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этишга тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этиш учун ариза шакли Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувват-

лаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизлар тўғрисидаги ҳужжатларни ҳар йили 20 майга қадар Ишчи гуруҳга тақдим этади.

17. Ишчи гуруҳ қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизлар тўғрисидаги ҳужжатларни мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқади.

18. Ишчи гуруҳ томонидан қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этиладиган номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган мезонлардан бирини тасдиқловчи ҳужжатлар (илоvasи билан);

маълумотнома-объективка;

умумий ўрта таълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан маълумотнома;

паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари.

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

19. Ишчи гуруҳ тақдим этилган ҳужжатларни ҳар йили 5 июнга қадар кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳ йиғилишининг якунлари бўйича баённома тузилади, ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг муҳри билан тасдиқланади.

20. Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

21. Ишчи гуруҳ қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этадиган хотин-қизларга тавсияномани ҳар йили 10 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларига етказиб беради, ўз навбатида, ҳудудий бошқармалар ҳар йили 15 июнга қадар тавсияноманинг талабгорларга етказилишини таъминлайди.

4-боб. Олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини топшириш тартиби

22. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномани тақдим этиши талаб этилади.

23. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 15 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) абитуриентлар базасига киритилади.

24. Ўрганиш натижаларига кўра, тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тоифасига кириши тасдиқланмаган шахслар қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш имтихонларига (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) қўйилмайди.

25. Тавсияномага эга бўлган абитуриентларни қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида ўқишга қабул қилиш кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) натижаларига мувофиқ қабул қилинади.

26. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун кириш имтихонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Кириш имтихонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида талабаликка тавсия этилади.

27. Қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида талабаликка қабул қилинмаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўплаган баллари билан абитуриент сифатида рўйхатдан ўтиш даврида танлаган таълим йўналишларида умумий тартибда танловда иштирок этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

283 «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Адлия вазирининг 2006 йил 19 июндаги 95-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1584, 2006 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 239-модда) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 июнда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
144-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 22 июндаги
144-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган
гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар
бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

а) номи ва 1-банди «Давлат нотариал идоралари» деган сўзлардан кейин «ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «давлат нотариал идораларни» деган сўзлар «давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «давлат нотариал идоралари» деган сўзлардан кейин «ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номи «Давлат нотариал идоралари» деган сўзлардан кейин «ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «бланклар» деган сўзлар «бланкалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан уч кишидан (бошқарма бошлиғининг нотариат ишлари бўйича масъул ўринбосари, бош ҳисобчи ва нотариат ишлари бўйича масъул ходим) иборат таркибда тuzилган махсус комиссия гербли бланкаларни қабул қилаётганида ўрамлар сонини, ўрам ёрлиғининг бутунлигини, агар бузилган бўлса ўрам ёрлиғида кўрсатилган бланкалар рақамлари ва сони тўғрилигини, бланкалар сони юхат билан тўғри келиш-келмаслигини текшириши ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузиши зарур.

Махсус комиссия давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (бундан буён матнда нотариал идоралар деб юритилади) томонидан тўлдирилиши чоғида бузилган бланкаларни далолатнома асосида қабул қилиб олади ва икки нусхада тузилган далолатнома бўйича ҳар йили бир марта ёқиш йўли билан йўқ қилади ҳамда мазкур далолатноманинг бир нусхасини йиллик ҳисобот билан Адлия вазирлигига тақдим қилади.»;

г) 3-банддаги ва 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «бланклар» деган сўз «бланкалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 5-банддаги «дафтарлари юритилади» деган сўзлар «дафтарлари давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар учун алоҳида-алоҳида юритилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «бланкларнинг» деган сўз «бланкаларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 11-банддаги «нотариал идораларига раҳбарлик қилувчи» деган сўзлар «нотариат ишлари бўйича масъул» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Давлат нотариал идораси нотариуси билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда ундаги гербли бланкалар далолатнома орқали адлия бошқармасига топширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг лицензияси бекор қилинганда ёки амал қилиши тугатилганда ундаги гербли бланкалар далолатнома орқали адлия бошқармасига топширилади.»;

и) 1 ва 2-иловалар мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ
БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ
ҚАРОРИ

284 Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5706-сон «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 3071, 2018 йил 27 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон) билан тасдиқланган Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди «а», «б», «в» кичик бандларида:

олтинчи хатбошилардаги «нострификация қилинганлиги» деган сўзлар «тан олинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошилардаги «Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмалари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг тегишли ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 20 июндан 26 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 22 июндаги 144-мх-сон «Давлат нотариал идоралари томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1584-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 25 майдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 30, 49, 22-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3249.